

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ХИДОЯТОВА ШАХНОЗА КОМИЛ ҚИЗИ

**“*MATRICARIA, CALENDULA, AJUGA, LYCOPERSICON* ТУРКУМ
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ЛИПИДЛАРИ ВА УЛАР АСОСИДАГИ ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Хидоятова Шахноза Комил қизи

Matricaria, Calendula, Ajuga, Lycopersicon туркум ўсимликларининг липидлари ва улар асосидаги дори воситаларини ишлаб чиқиш..... 3

Хидоятова Шахноза Комил қизи

Липиды растений родов *Matricaria, Calendula, Ajuga, Lycopersicon* и разработка препаратов на их основе..... 23

Khidoyatova Shaxnoza Komil qizi

Lipids of plants of the genera *Matricaria, Calendula, Ajuga, Lycopersicon* and the development of drugs based on them..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 02/30.01.2020.К/Т.104.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

ХИДОЯТОВА ШАХНОЗА КОМИЛ ҚИЗИ

**“*MATRICARIA, CALENDULA, AJUGA, LYCOPERSICON* ТУРКУМ
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ЛИПИДЛАРИ ВА УЛАР АСОСИДАГИ ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.10 – Биоорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/К600 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzicps.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гусакова Светлана Дмитриевна
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бабаев Баҳром Нуриллаевич
кимё фанлари доктори

Нормахаматов Нодирали Сохобаталиевич
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Биоорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 77. Тел. (+99871) 262-59-13, e-mail: plant.inst@icps.org.uz, ixrv@mail.ru.)

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100170, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 77. Тел. (+99871) 262-59-13, e-mail: nhidirova@yandex.ru.

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш. Сағдуллаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., академик

Н.К. Хидирова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
к.ф.н., катта илмий ходим

Э.Х. Ботиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда анъанавий ва халқ табobatiда невралгия, миозит, ревматоид артрит, ошқозон яраси, болдир трофик яралари ва бошқа патологияларни даволашда доривор мойлар (чаканда, бодом, кастор, шафтоли, наъматак мойи ва бошқалар) қўлланилади. Фармакологик фаоллиги юқори бўлган янги тиббий мойларга бўлган талаб кундан-кунга ўсиб бораяпти, шу сабабли маҳаллий ўсимликлардан фитомойларни ишлаб чиқиш ва улар асосида тиббиёт учун янги самарали воситалар яратиш долзарб масаладир.

Жаҳон амалиётида ўсимлик мойлари билан экстракция қилиб олинган доривор ўсимликларнинг мойли экстрактлари бўлган янги фитомойлар ҳисобига тиббиёт мойларининг турлари сезиларли даражада кенгайди. Бундай фитомойлар янада кенг таъсир доирасига ва юқори биологик фаолликка эга (яллиғланишга қарши, жигарни ҳимояловчи, антиоксидант ва бошқалар). *Matricaria recutita* L., *Calendula officinalis* L. (*Asteraceae* оиласи) ва *Ajuga turkestanica* (Regel) Briq. (*Lamiaceae* оиласи) доривор ўсимликларининг иккиламчи метаболитлари атрофлича тадқиқ қилинган бўлсада, улардаги липидларнинг таркиби ва биологик фаоллиги тадқиқ этилмаган. *M. recutita* ва *C. officinalis* ўсимликларининг липидлари асосида яратилган дори воситалари кўпчиликини ташкил қилмасда, лекин *A. turkestanica* липидлари асосида препаратлар маълум эмас. Илмий адабиётларда *Lycopersicon esculentum* (Tourn.) Mill. (*Solanaceae* оиласи) пишган мевалари қисмлари кесимида каротиноидлар миқдори ва тақсимланиши бўйича маълумотлар мавжуд эмаслиги сабабли ликопин сақловчи, шу жумладан, ўсимлик фосфолипидларига асосланган воситаларни яратиш учун хом ашё сифатини баҳолаш имкони мавжуд эмас. Республикада мойли экстрактлар асосида доривор воситалар яратиш учун биологик фаол компонентларнинг табиийлигини сақлаган ҳолда унумини оширадиган янги экстракция усуллари ишлаб чиқиш муҳим.

Янги дори воситаларини яратиш мақсадида Ўзбекистон флорасидаги *Matricaria* L., *Calendula* L., *Ajuga* L. ва *Lycopersicon* Mill. туркуми ўсимликлари таркибидаги липидларни тадқиқ қилишга бағишланган ушбу диссертация доирасида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ЎзР Президентининг ПҚ-4670-сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори¹, ҳамда ПФ-55 “2022–2026 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони² ҳамда соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар ижроси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Республика илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» ва VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар»

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон қарори

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон фармони

йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Доривор ва озука ўсимликларнинг липидлари бўйича тадқиқотлар J.N. Hathcock, R. Farhoudi, A.N. Shikov, E. Bako, W. Stahl, S. Kishimoto, K. Akita, L. Petrovic, V. Gupta, P. Mittal, P. Avato; МДХ давлатларида В.А. Тутельян, В.А. Дадали, Е.В. Мартовщук, Г.Г. Первышина, А.А. Ефремов каби етакчи олимлар шуғулланишган.

МДХ давлатлари орасида ўсимлик хом ашёсидан липидларни ажратиб олишнинг янги технологиялари бўйича: В.А. Вайнштейн, И.Е. Каухова, Л.Н. Царахова, С.В. Ключков, В.В. Верещагин; мойли экстракт ва фосфолипидлар асосида дори воситаларини яратиш бўйича: А.И. Арчаков, О.М. Ипатова, Н.Н. Бобров-Егоров, А.Н. Дорошенко, Г.П. Павелковская каби олимлар шуғулланган.

Ўзбекистонда ўсимликлар липидлари кимёси ва технологияси ривожига А.И. Глушенкова, А.У. Умаров, С.Д. Гусакова, Н.Т. Ульченко, Ш.Ш. Сагдуллаев ва бошқалар катта ҳисса қўшган.

Matricaria recutita L., *Calendula officinalis* L., *Ajuga turkestanica* (Rgl.) Brig. ва *Lycopersicon esculentum* (Tourn.) Mill. ўсимликларининг иккиламчи метаболитлари (флавоноидлар, кумаринлар, экдистероидлар ва бошқалар) атрофлича тадқиқ этилган ҳамда уларнинг сувли, сув-спиртли ва спиртли экстрактлари асосида маълум дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалари яратилган бўлсада, уларнинг липидларини тадқиқот ишлари айрим гуруҳ бирикмалари билан чекланганлиги ва липидлар асосидаги дори воситалар кам учраши сабабли ушбу ўсимликлар тадқиқот учун танланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқотлар ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг липидлар кимёси лабораториясида 2009-2011 йилларда бажарилган № ФА-А12-Т162 “*Ajuga turkestanica* (Rgl.) Brig, *Sophora japonica* L., *Matricaria recutita* L., *Calendula officinalis* L. ва *Silene viridiflora* L. доривор ўсимликлар ўстириш, улар ва бошқа маҳаллий хом ашёлар асосида биологик фаол маҳсулотларни ишлаб чиқиш”; 2012-2014 йилларда бажарилган ФА-А11-Т192 “Каротиноидлар асосида метаболит турдаги таъсирга эга иккита дори воситалари ва иккиламчи ресурслар фосфолипидлар ва уларни олиш технологияси”; 2015-2017 йилларда бажарилган ФА-А11-Т039 “Лецитин, ликопин, фитостероид, флавоноидлар асосида гепатопротектор хусусиятига эга модда яратиш ва уларнинг олиш технологиясини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади *Matricaria recutita*, *Matricaria matricarioides*, *Calendula officinalis*, *Ajuga turkestanica* ва *Lycopersicon esculentum* ўсимликлари липидларини тадқиқ қилиш, мойли экстрактлар олиш усулларини ишлаб чиқиш ҳамда мойли экстракт, ўсимлик фосфолипидлари ва каротиноидлари асосида янги дори воситалари яратиш.

Тадқиқот вазифалари:

Matricaria recutita (доривор мойчечак), *M. matricarioides* (хушбўй мойчечак), *Calendula officinalis* (тирноқгул), *Ajuga turkestanica* (капалакқўнмас)

ва *Lycopersicon esculentum* (маданий тоmat - помидор) ўсимликларининг липидларини ўрганиш;

биологик фаол бирикмаларга бой бўлган мойли экстракт олиш учун доривор мойчечак, тирнокгул ва капалакқўнмас ўсимликларидан спирт-мойли ультратовушли экстракция усулини ишлаб чиқиш;

олинган фитомойлар асосида дори воситасини яратиш, унинг ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш ва биологик фаоллигини аниқлаш;

ўсимлик фосфолипидлари ва помидор мевалари каротиноидлари асосида янги дори воситасини яратиш, унинг биологик фаоллигини аниқлаш, дори воситасини олиш усули ва меъёрий техник хужжатларни (лаборатория регламенти, ВФМ лойиҳаси) ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда ўсувчи *Matricaria recutita* тўп гуллари, *M. matricarioides* уруғлари, *C. officinalis* гуллари, *A. turkestanica* ер устки қисми ва илдизлари, *L. esculentum* мевалари.

Тадқиқотнинг предмети тўрт турдаги ўсимликнинг липидлари, липофил моддалари, ёғ кислоталари, ўсимликнинг турли қисмларидан мой экстрактларини олиш ва таҳлил қилиш, ўсимлик мойлари ҳамда жигарни ҳимояловчи дори воситаси композициясини олиш усуллари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажаришда экстракция, центрифугалаш, экстрактларни ультратовушли ишлови (УТИ), хроматографик (КХ, ЮҚХ, ГХ, ГХ/МС, ЮССХ), физик (УБ-, ИҚ-спектроскопия, спектрофотометрия, фотоэлектрокалориметрия) ва кимёвий (ишқорли гидролиз, метиллаш, дегидратация) услублардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Matricaria matricarioides (Less.) Porter. ўсимлиги уруғлари липидлари илк марта тадқиқ қилиниб, таркибида эпокси- ва гидроксацилдиацилглицеридлар аниқланган; спектрал, кимёвий ва хроматографик усуллар ёрдамида оксидланган ёғ кислоталарининг таркиби ва тузилиши ўрганилган ҳамда уларда *Asteraceae* (Мураккабгулдошлар) оиласига хос маълум изомер кислоталар 9,10-эпокси-18:1(12), 12,13-эпокси-18:1(9), 9-гидрокси-18:2(10,12) ва 13-гидрокси-18:2(9,11) устувор эканлиги аниқланган;

Ajuga turkestanica ўсимлигининг барглари, гуллари, уруғлари ва илдизлари липидлари илк марта тадқиқ қилинган; нейтрал липидлар, глико- ва фосфолипидларнинг ёғ кислоталарини компонентлар тўплами ва таркиби ҳамда ўсимликнинг барча қисмларидаги фосфолипидларда *A. turkestanica* ўсимлиги учун хос бўлган иридоидлар ва экистерон аниқланган;

Lycopersicon esculentum помидор мевалари пўстлоғининг липидлари тавсифланган, биринчи марта пўстлоғи ликопиннинг миқдори юқори бўлган каротиноидларга бой липид компонентларининг мураккаб комплексини (ёғ кислоталарининг этил эфирлари, фитостероллар, тритерпеноллар) ўз ичига олганлиги кўрсатилган;

доривор ўсимликларнинг вегетатив органларидан биологик фаол моддаларга бой мойли экстрактлар олишни таъминлайдиган икки фазали ультратовушли сув-мойли экстракцияси усули ишлаб чиқилган;

Matricaria recutita, *Calendula officinalis* ва *Ajuga turkestanica* ўсимликлари мойли экстрактларидан организмнинг регенератив жараёнларини жадаллаштирувчи ва ошқозон-ичак йўллари касалликларида самарали таъсир этувчи янги “Биофитол” фитомойи яратилган;

соя лецитини, рафинацияланмаган писта мойи, *Lycopersicon esculentum* каротиноидлари экстракти, экдистен ва глицирризин кислотаси асосида яратилган жигарни химояловчи “Гепалипин” дори воситаси композицияси “Фосфоглив” (Россия Федерацияси) дори воситасидан самаралироқ таъсирга эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

помидорнинг (*Lycopersicon esculentum*) пишган мевалари пўстлоғида этига нисбатан каротиноидлар миқдори юқори эканлиги ва ликопинни истиқболли манбаси сифатида қўлланилиши мумкинлиги аниқланган;

ишлаб чиқилган ультратовушли, икки фазали экстракция усули ёрдамида доривор ўсимликларнинг вегетатив органларидан липофил биологик фаол моддаларни (каротиноидлар, токофероллар, фотосинтетик пигментлар, флавоноидлар, иридоидлар) бир вақтда ажратиб олиш имконияти кўрсатилган (ЎЗР патенти № IAP 04702, 2013 й);

тиббийда қўллаш учун иккита маҳсулот яратилган: тирноқгул, мойчечак ва капалакқўнмас мойли экстрактлари асосида организмнинг регенератив жараёнларини жадаллаштириш хусусиятига эга Биофитол (ЎЗР патенти № IAP 05367, 2017 й), соя лецитини, рафинацияланмаган кунгабоқар мойи, *Lycopersicon esculentum* каротиноидлари, экдистен ва глицирризин кислотасидан иборат жигарни химояловчи Гепалипин дори воситаси композицияси, уни ишлаб чиқариш усули, лаборатория регламенти ва вақтинчалик фармакопея мақоласи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги липидларни замонавий физик-кимёвий услублар УБ-, ИҚ-спектроскопия, газ хроматография, хромато-масс-спектрометрия, хроматографик ва биологик услубларни қўллаб олинган маълумотлар; натижаларни республика ва халқаро миқёсида ўтказилган илмий анжуманлардаги муҳокамаси, тақризланадиган хорижий журналларда чоп этилиши; Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Гепалипин дори воситаси субстанциясининг фармакопея мақоласи тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома олинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, биринчи марта *Matricaria matricarioides*, *Calendula officinalis* ва *Ajuga turkestanica* доривор ўсимликлари липидлари тўғрисида маълумотлар олинган, ўсимликларнинг липофил компонентларидан янги терапевтик ва профилактик дори воситаларини яратиш учун имкониятлар кўрсатилган ва кенгайтирилган.

M. matricarioides оксидланган ёғ кислоталарининг *Asteraceae* оиласига мансуб ўсимликлари хемосистематикаси учун аҳамияти тасдиқланган. Ўзбекистонда ўсувчи *Ajuga turkestanica* ўсимлигининг вегетатив ва генератив органларининг липидлари ҳақида янги маълумотлар олинган ва барча ўсимлик

аъзоларидан фосфолипидлар билан биргаликда бу турга хос бўлган иридоидлар ва экидистерон ажратиб олиниши аниқланганлиги ўсимликларни комплекс қайта ишлашда фосфолипидларни ажратиб олиниши янги дори воситаларини яратишда қўлланилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ультратовушли, икки фазали спирт-мой экстракция усули ишлаб чиқилган ва бунинг асосида биологик фаол липофил моддаларни (каротиноидлар, токофероллар, флавоноидлар ва бошқалар) бир вақтда ажратиб олиш имконияти кўрсатилган. Янги усул ёрдамида олинган *Matricaria recutita* тўпгуллари, *Calendula officinalis* гуллари ва *Ajuga turkestanica* ер устки қисмининг мойли экстрактлари асосида организмнинг регенератив жараёнларини жадаллаштирувчи ва ошқозон-ичак тракти касалликларини самарали даволашга ёрдам берадиган янги Биофитол фитомойи яратилган. Рафинацияланмаган кунгабоқар мойи, глицирризин кислота, экидистен ва помидор пўстлоғи экстракти қўшилган ўсимлик фосфолипидларига асосланган жигарни ҳимояловчи Гепалипин янги дори воситаси композициясини олиш усули ишлаб чиқилган, шунингдек дори воситаси субстанциясига меъерий-техник хужжатлари расмийлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Matricaria matricarioides*, *Matricaria recutita*, *Calendula officinalis*, *Ajuga turkestanica* ва *Lycopersicon esculentum* ўсимликларининг липидлар ва липофил бирикмаларини тадқиқотида олинган илмий натижалар асосида:

ўсимлик хом ашёсини комплекс қайта ишлаш усулига Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (№ IAP 04702, 2013й.). Тадқиқотлар натижаси биологик фаол моддалар миқдори юқори бўлган ёғли, сув-спиртли ва спиртли экстрактларни олиш имконини берган;

организмнинг тикланиш хусусиятини кучайтирувчи воситани олиш усулига Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (№ IAP 05367, 2017 й.). Олинган натижалар асосида кенг фармакологик спектрга эга биологик фаол моддаларга бой доривор ўсимликларнинг экстрактлари асосида янги фитомойларни олиш имконияти яратилган;

жигарни ҳимояловчи “Гепалипин” янги дори воситаси субстанциясига ВФМ 42 Уз-4691-2021 вақтинчалик фармакопея мақоласи ишлаб чиқилган ва ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (11.10.2021 й.). Илмий тадқиқотлар натижалари гепатопротектор таъсирга эга субстанциясини амалиётга тадбиқ қилиш имкониятини берган;

Гепалипин дори воситаси субстанцияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида рўйхатдан ўтказилган ва гувоҳнома олинган (№ DV/M 03937/10/21, 11.10.2021 й). Бу эса Гепалипин дори воситасининг субстанциясини ишлаб чиқариш ва тиббиёт амалиётида қўллаш имконини берган;

Гепалипин дори воситасини клиник синовларини ўтказишга ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат олинган ва Тошкент шаҳридаги клиника белгиланган (Фармакология қўмитасининг 2022 йил 22 июлдаги № 29/03-529

хати). Натижада ушбу дори воситаси республикада импорт ўрнини босиш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шундан 9та мақола, жумладан халқаро илмий журналларда бта мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги ОАК нинг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган Республика илмий журналларида 3 та мақола ҳамда 2 та Ўзбекистон Республикаси патенти олинган, 1 та вақтинчалик фармакопоя мақоласи тасдиқланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 116 саҳифани ташкил этади.

Муаллиф академик Сағдуллаев Шамансур Шахсаидовичга диссертация ишини шакллантиришдаги илмий маслаҳатлари учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзуси долзарблиги ва зарурлиги, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотларни Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга татбиқ қилиш бўйича, илмий нашрлар ва диссертация мундарижаси бўйича маълумотлар келтирилган.

“*Matricaria* L., *Calendula* L., *Ajuga* L., *Lycopersicon* L. туркум ўсимликларининг липидлари ва улар асосидаги дори воситалари” деб номланган **биринчи бобда** *Asteraceae* оиласига мансуб *Matricaria recutita* L., *Matricaria matricarioides* (Less.) Porter., *Calendula officinalis* L. (*Asteraceae* оиласи), *Lamiaceae* оиласига мансуб *Ajuga turkestanica* (Rgl.) Brig. ва *Solanaceae* оиласига мансуб *Lycopersicon esculentum* (Tourn.) Mill. ўсимликларининг вегетатив ва генератив органларидаги липидлар, иккиламчи метаболитлар, липидлар асосида дори воситалари ва биологик фаол қўшимчаларни олиш усуллари ҳақида адабиёт маълумотлари келтирилган.

Диссертациянинг **“*Matricaria matricarioides*, *M. recutita*, *Calendula officinalis*, *Ajuga turkestanica* липидларини ўрганиш ва ушбу ўсимликларнинг мойли экстрактлари асосида Биофитол доривор фитомойини ишлаб чиқиш”** деб номланган **иккинчи бобда** келтирилган ўсимликларнинг липидларини тадқиқ этиш натижалари, липидларини ультратовушли, спирт-мойли экстракция қилиш усулини яратиш ва экстрактлар асосида организмда регенератив жараёнларини жадаллаштирувчи Биофитол

фитомойини ишлаб чиқиш ишлари ёритилган.

Asteraceae ва *Lamiaceae* оилаларига мансуб ўсимликларнинг вегетатив ва генератив органларидаги липидлар таркиби

Тадқиқот объектлар сифатида *M. matricarioides* уруғлари (1), *M. recutita* тўпгуллари (2), *C. officinalis* гуллари (3) (*Asteraceae* оиласи), *A. turkestanica* ер устки қисми, гуллари, уруғлари ва илдизлари (4) (*Lamiaceae* оиласи) олинган.

Нейтрал липидлар (НЛ) экстракцион бензин (72-80°C) ёки гексан билан экстракция қилинган; умумий липидлар (УЛ, жумладан НЛ, гликолипидлар (ГЛ), фосфолипидлар (ФЛ)) хлороформ-метанол (2:1 ҳажм/ҳажм) билан экстракция қилинган. Умумий липидлар (УЛ) колонкали хроматография (КХ) ёрдамида (силикагель) моддалар синфи ёки гуруҳларига бўлинган, мураккаб фракциялар препаратив ЮҚХда рехроматография қилинган. Липид синфлари ЮҚХ маълумотлари, модел липидлар, табиий липофил бирикмалар, УБ-, ИҚ-спектроскопия, сифат реакциялари, ишқорий гидролиз ва метиллаш усуллари асосида идентификация қилинган.

Хом ашё таркибида намлик, липидларнинг (НЛ, ГЛ, ФЛ) миқдори ва таркиби, ҳамда ёғ кислоталари (ЁК) таркиби ўрганилган.

Matricaria matricarioides L. уруғларининг липидлари ва ёғ кислоталари

НЛ таркибида ёғ эпокси кислоталари (эп-ЁК) ва гидроксикислотлар (г-ЁК) сақловчи триглицеридлар аниқланган (НЛнинг умумий оғирлигидан 22,49%). Йиғиндида эса г-ЁК кўплиги аниқланган (1-жадвал).


1 - жадвал

***M. matricarioides* уруғларининг умумий липидлар миқдори ва таркиби**

Компонентлар	Хом ашё массасига нисбатан, %	Компонентлар	Хом ашё массасига нисбатан, %
Нейтрал липидлар (НЛ)	84,28	Тритерпеноллар	0,27
Углеводородлар	0,25	Диглицеридлар	4,22
ЁКларнинг мураккаб эфирлари	0,31	Фитостероллар	0,2
Фталатлар	1,57	Моноглицеридлар	0,44
Триглицеридлар (ТАГ)	55,6	Гликолипидлар	12,34
Эркин ЁК	2,9	Фосфолипидлар	2,83
Эпокси-ТАГ	6,04	Жами	100
Гидрокси-ТАГ	13,03		


Оксидланган ЁК тузилишларини исботлаш учун эп-ТАГ ва г-ТАГ ишқорий гидролиз қилинган, нормал ва оксидланган ЁК йиғиндиси ажратиб олинган, уларнинг метил эфирлари олинган ва силикагелда ЮҚХ усулида гексан-диэтил эфир (4:1) аралашмаси билан оддий ЁК (R_f 0,95), эпокси-ЁК (R_f 0,57) ва гидроксид-ЁК (R_f 0,42) метил эфирларига бўлинган.

Эпоксикислоталар. эпокси-ЁК метил эфирлари УБ-спектрида ютилиш чизиқлари кузатилмаган. ИҚ-спектрида цис-эпоксид ҳалқанинг тебранишлар чизиқлари 830, 845 см⁻¹ соҳада, транс-эпоксид ҳалқанинг кучсиз тебраниш чизиқлари 890 см⁻¹ кузатилган. Силикагелдаги ЮҚХ/20% AgNO₃ маълумотларига асосан эпокси-ЁК йиғиндисиди моноен компонентлар кўплиги аниқланган. эпокси-ЁК метил эфирларни кутбли фазада ГХ таҳлил натижалари таркибда эпокси-18:0 R_T=4.05 (19%) ва эпокси-18:1 R_T=4.60 (81%) (МЭ нисбатан 18:0) мавжуд эканлигини кўрсатди. Олинган натижаларга кўра, *M. matricariodes* таркибидаги асосий эпокси-ЁК сифатида изомер *цис*-9,10-эпокси- ва *цис*-12,13-эпоксиолеин кислоталар бўлиб, минор миқдорда изомер *цис*-9,10-эпокси- ва транс-9,10-эпоксистеаринлар мавжуд (1-расм):



1 - расм. Кислоталарнинг тузилиши: 12,13-эпокси-18:1(9) (вернол кислотаси, А) ва 9,10-эпокси-18:1(12) (коронар кислотаси, Б)

Гидроксикислоталар. г-ЁК метил эфирларининг УБ-спектрида λ_{\max} 233.8 нм соҳада 80,43% улушли этилен қўшбоғларнинг ютилиш чизиқлари аниқланган. г-ЁК метил эфирларининг ИҚ-спектрида цис, транс-этилен боғларининг (950, 990 см⁻¹) ва ОН-гурухнинг (3200-3600 см⁻¹) тебранишлар аниқланган. г-ЁК метил эфирларининг дегидратациясидан сўнг н-ЁК метил эфирлари олинган. Гидратация маҳсулотлари ИҚ-спектрида ОН-гурухнинг тебраниш чизиқлари кузатилмаган, УБ-спектрида эса λ_{\max} гексан: учта конъюгирланган этилен қўшбоғларининг сигналлари 258.8; 268.16; 279.05 соҳаларда кузатилган. Ушбу натижалар кислоталарнинг тузилиши 9-ОН-10*E*,12*Z*-18:2 (α -диморфекол кислотаси) ва 13-ОН -9*Z*,11*E*-18:2 (кориол кислотаси) эканлигини исботлайди (2-расм):



2 - расм. Кислоталарнинг тузилиши: 9-ОН-18:2 (*транс*-10, *цис* -12) (α -диморфекол кислота, А) и 13-ОН-18:2 (*цис*-9, *транс* -11) (кориол кислота, Б)

M. matricariodes ўсимлигининг оксидланган ЁК *Asteraceae* оиласи липидларининг хемотаксономик маркерлар сифатида маълум.

Matricaria recutita L. тўпгуллари липидлари

Тўпгуллардаги намлик ва учувчан моддалар миқдори 20,7% ни ташкил этган. УЛ унуми 8,02% ташкил этган, жумладан НЛ 5,67%, ГЛ 1,65% ва ФЛ 0,7%. СФ маълумотлари асосида каротиноидлар миқдори 38,7мг%,

хлорофиллар 52,4мг% ташкил этган. Липид гуруҳларининг ЁК таркиби 2-жадвалда келтирилган.

2 - жадвал

Matricaria recutita тўпгуллари липид гуруҳларининг ЁК таркиби, ГХ, кислота массасига нисбатан %

Кислоталар	НЛ	ГЛ	ФЛ	Кислоталар	НЛ	ГЛ	ФЛ
10:0 -15:0	13,64	16,57	4,9	18:2	13,95	8,9	4,41
16:0	48,90	53,96	73,64	20:0	3,60	2,38	1,60
16:1, 17:0	1,44	1,32	2,02	20:1	0,87	0,43	0,42
18:0	11,91	11,8	9,41	22:0	1,74	1,37	1,25
18:1	1,40	1,27	1,23	24:0	2,55	2,0	1,12

Жадвалдан кўришиб турибдики, *M. recutita* тўпгулларида катта миқдорда (16:0) пальмитин кислотаси ташкил этган.

Matricaria туркумининг иккала турларининг липидлари солиштирилганда тўпгуллар таркибида эпокси-ТАГ ва гидроксид-ТАГ мавжуд эмаслиги, *M. recutita* таркибидаги липидларнинг барча синфлари ЁКларида *M. matricarioides* ўсимлигига нисбатан тўйинган ЁКлари миқдори 2-3 баробар кўплиги аниқланган.

Calendula officinalis L. гуллариининг липидлари ва ёғ кислоталари

УЛ унуми гуллар массасига нисбатан 10,2% ташкил этади. СФ маълумотларига асосан УЛ таркибини 208,99мг% каротиноидлар (асосан β -каротин (λ_{\max} 448 нм, гексан)) ва 540мг% хлорофиллар (асосан α -хлорофилл (λ_{\max} 663,8 нм, ацетон) ҳамда α -феофитин (λ_{\max} 669,1нм, ацетон)) ташкил қилади. УЛ таркибини аниқлаш учун силикагелли КХдан фойдаланиб 6,7% НЛ, 2,6% ГЛ ва 0,9% ФЛ ажратиб олинган. НЛ силикагелли КХда алоҳида моддалар синфлари бўйича бўлинган. Натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3 - жадвал

Calendula officinalis гуллариининг нейтрал липидлар таркиби


Компонентлар	Липидларнинг массасига нисбатан, %	Компонентлар	Липидларнинг массасига нисбатан, %
Углеводдорлар	9,24	Эркин ЁК	3,28
Каротиноидлар	0,21	Тритерпеноллар	23,10
ЁКларнинг стероллар ва тритерпеноллар билан мураккаб эфирлари	6,27	Фитостероллар	5,61
Фталатлар	0,50	Хлорофиллар	0,55
Триацилглицеридлар	4,42	Аниқланмаган моддалар	12,32

3 - жадвалдан кўришиб турибдики, *C. officinalis* гулларининг НЛ таркибида тритерпеноллар (23,10%) ва углеводородлар (9,24%) миқдори устун. Липидларнинг ёғ кислоталари таркиби 4 - жадвалда келтирилган.

4 - жадвал

C. officinalis гуллари липидларининг ёғ кислоталари таркиби, ГХ, кислоталарнинг массасига нисбатан %

Кислота	ТАГ	ГЛ	ФЛ	Кислота	ТАГ	ГЛ	ФЛ
10:0, 12:0, 14:0, 15:0	4,32	16,58	2,11	20:0	3,08	0,77	Мавжуд эмас
16:0	33,66	30,69	57,61	22:0	1,42	0,75	Мавжуд эмас
18:3 (8E,10E,12Z)	3,0	Мавжуд эмас	Мавжуд эмас	24:0	0,91	0,50	Мавжуд эмас
18:2n6	14,45	16,13	15,70	∑ тўйинган ЁК	62,25	55,68	66,72
18:1, 18:3 (9Z,12Z,15Z)	22,29	28,19	17,58	∑ тўйинмаган ЁК	37,75	44,32	33,28
18:0	8,76	6,39	7,00				



3 - расм. Тузилиш формуласи: календин кислотаси 18:3 (*транс-8, транс-10, цис-12*)

Календин кислотаси *Asteraceae* оиласининг баъзи туркум ўсимлик уруғларининг липидлари учун хос кислота ҳисобланади. Биринчи марта *C. officinalis* гулларида ушбу кислота аниқланган (3-расм). Кислота идентификацияси ГХ ($R_T = 17.622$) ва УБ-спектр ($\lambda_{\text{мах}}$, гексан: 260.3; 270.4 ва 281.6 нм, учта боғланган қўшбоғлар) усуллари ёрдамида амалга оширилган. Шунингдек илк мартаба календин кислотаси фақат ТАГда мавжудлигини, ГЛ ва ФЛда эса учрамаслиги аниқланган.

Ajuga turkestanica (Rgl.) Brig. вегетатив ва генератив қисмлари липидлари

Ўсимликнинг янги йиғилган (барра) ер устки қисми, гуллари, уруғлари ва қуритилган илдизларининг липидлари ўрганилган. УЛ унуми хом ашё массасига нисбатан уруғларда – 5,4%, гулларда - 4,27%, ер устки қисмида – 2,08%, илдизларида – 2,0% ташкил қилиши аниқланган. НЛ, ГЛ ва ФЛ синфлари таркиби аниқланган. *A. turkestanica* ер устки қисмидан ФЛ билан бирга қисман гарпагид ва 8-О-ацетилгарпагид иридоидлари ҳамда экдистерон ажралиб чиқиши аниқланган. Ўсимлик илдизларида иридоидлар ва экдистерон аниқланган (5 - жадвал).

Гулларининг НЛда ТАГ ва эркин ЁК аниқланмаган. Гулларнинг

гликолипидлари 6 та синф бирикмаларидан, фосфолипидлар эса 2 та синф бирикмалари ва гарпагид иридоидидан иборат.

5 - жадвал

***Ajuga turkestanica* ер устки қисмининг липид синфлари**

Нейтрал липидлар	%	Гликолипидлар	%
Углеводородлар	9,20	Стерилгликозид эфирлари, моногалактозилдиглицеридлар	25,90
Каротиноидлар	0,50	Стерилгликозидлар	6,70
ЁК мураккаб эфирлари	7,70	Цереброзидлар	4,80
Стероллар ва тритерпеноллар ацетатлари	4,50	Дигалактозилдиглицеридлар	9,50
Триацилглицеридлари	5,0	Фосфолипидлар	
Эркин ЁК, полипреноллар	0,80	Фосфатидилэтанолламинлар (ФЭ) Фосфатидилхолинлар (ФХ) Фосфатидилинозитлар (ФИ)	19,30
Тритерпеноллар	3,00	Иридоидлар	1,40
Фитостероллар	4,50	Экдистерон	излари
Хлорофиллар	0,20		

Илдиз нейтрал липидларида ҳам ТАГ мавжуд эмаслиги, ГЛда фақат 2 та синф бирикмалари, ФЛда 3 та синф бирикмаларидан ташқари иридоидлар мавжудлиги аниқланган.

6 - жадвал

Ер устки қисми, илдиз, уруғлар ва гулларнинг умумий липидларининг ёғ кислоталари, ГХ, % оғирлигига нисбатан

Ёғ кислотаси	Илдиз	Ер устки қисми	Гуллар	Уруғлар
10:0, 12:0, 14:0, 15:0	3,9	1,5	4,1	0,7
16:0	25,8	24,8	40,0	24,7
16:1, 17:0	4,0	0,7	1,5	Мавжуд эмас
18:0	4,6	3,9	7,4	3,9
18:1, 18:3	19,8	54,7	34,8	34,8
18:2	31,6	13,2	8,7	35,9
20:0, 22:0, 24:0	10,3	1,2	3,5	Мавжуд эмас
∑ тўйинган ЁК	46,2	31,8	56,1	29,3
∑ тўйинмаган ЁК	53,8	68,2	43,9	70,7

6-жадвалдан кўриниб турибдики, ўсимликнинг барча қисмларида тўйинган ЁКларидан пальмитин кислотаси (16:0), илдизида тўйинмаган ЁКларидан линол кислотаси, бошқа қисмларида – олеин ва линолен кислота йиғиндиси устун. Гулларида тўйинган ЁК йиғиндиси, уруғларда эса тўйинмаган ЁК йиғиндиси юқори эканлиги аниқланган.

Махсар мойидаги ёғ кислоталарининг тузилишини тадқиқ қилиш

Мойчечак, тирноқгул ва капалакқўнмас ўсимликларининг липидли экстрактлари асосида яратилган Биофитол фитомойи олинишида мойли экстрагент сифатида махсарнинг (*Carthamus tinctorius*) тозаланган уруғларидан олинган рафинацияланган мойдан фойдаланилган. Мазкур мой бошқа мойлардан эссенциал α -линол кислотасининг (18:2 ω 6) юқори миқдори (80%) билан фарқланади. Янгийўл ЁМКда ишлаб чиқарилган рафинацияланган махсар мойидаги конъюгирланган линол кислотасининг (КЛК) изомерларини тузилиши тадқиқ қилинди.

ГХ-МС маълумотларига биноан мой таркибида α -18:2 кислотаси миқдори 78% ташкил этган. Мойнинг УБ-спектрида 232 нм (гексан) ютилиш чизиқлари кузатилиб, 0,57% *транс*, *транс*-конфигурацияли боғланган этилен боғлари мавжуд бўлган КЛКлар аниқланди. Силикагелли КХ усулида мойдан КЛК билан бойитилган ТАГ (ТАГ-8, 1,3%) фракцияси ажратиб олинган. Фракциянинг ишқорий гидролизидан сўнг ЁКлар ажратиб олинган, метилланган ва силикагелли КХда 1-ЁКМЭ ва 2-ЁКМЭларга бўлинган. 2.4% КЛК сақловчи 2-ЁКМЭ фракцияси (УБ-спектр бўйича) препаратив ЮҚХ/20% AgNO₃да тўйинган (R_f 0,84), 1-моноен (R_f 0,56), 2-моноен (R_f 0,51) ва 1-диен (R_f 0,37) ЁКМЭ бўлинган. ГХ-МС маълумотлари бўйича 2-моноен (А) ва 2-диен (Б) ЁКлар таркиби 7 - жадвалда келтирилган.


7 - жадвал

**2-Моноен (А) ва 2-диен (Б) ёғ кислоталари таркиби,
ГХ-МС, массасига нисбатан %**

Кислота	R _T	M ⁺ , m/z	А	Б
16:1	7.98	268	0,6	-
16:0	8.18	270	1,3	-
18:1(11Z), вакцен	9.88	296	76,8	13,6
18:1(12Z)	9.91	296	14,5	-
18:2 (9Z,12Z)	10.58	294	1,4	83,5
18:2(9E,11E)	10.60	294	-	2,4
18:2(9E,12E)	10.65	294	1,2	0,5
20:1(11Z)	11.63	324	4,2	-

7 - жадвалга биноан 2-моноенларнинг 90% (массасига нисбатан) олеин кислотасининг иккита маълум позицион изомерлари: вакцен 18:1(11Z) ва *цис*-октадецен 18:1(12Z) (14,5%) кислоталари ташкил этади. 2-диен ЁКларнинг асосий компоненти оддий α -линол кислотаси (83,5%), оз миқдорда линол кислотасининг конъюгирланмаган *транс*, *транс*- 18:2 (9E,12E) (0,5%) изомери

ва конъюгирланган *транс, транс*- 18:2(9E,11E) (2,4%) изомеридан иборат. Шундай қилиб, махсар мойида биринчи мартаба олеин кислотасининг иккита маълум позицион изомерлари ва α -линол кислотасининг иккита геометрик изомерлари аниқланган (4-расм).



4 - расм. Олеин (18:1) ва линол (18:2) кислоталари изомерларининг тузилиши

Хом ашёдан ультратовушли икки фазали экстракция билан мойли экстрактларини олиши

Мойчечак ва тирноқгулнинг сувли ва сув-спиртли экстрактлари асосидаги гален препаратлари тиббиётда кенг қўлланиб келинади. Капалакқўнмас ер устки қисмининг сув-спиртли экстрактлари экумид, гарпахол, аюстан каби препаратларининг асоси сифатида қўлланилади. Ушбу ўсимликларнинг мойли экстрактлари ҳақида маълумотлар аниқланмаган.

Маълум бўлган икки фазали сув-спирт-мойли экстракция усули асосида ультратовушли ишлов ва махсарнинг рафинацияланган мойидан фойдаланиб янада самарали усул ишлаб чиқилган. Қуйида тирноқгул ва капалакқўнмаснинг мойли экстрактларини олишининг блок-схемаси келтирилган (5-расм).



5 - расм. Тирноқгул ва капалакқўнмаснинг мойли экстрактларини олишининг блок-схемаси

Ўсимлик хом ашёсига 96% ёки 70% ли спирт (гидромодуль 1:5), 40-50°C даражагача қиздирилган махсар мойи (гидромодуль 1:2) қўшиб, суспензия бўкиши учун 1-3 соат кутиб ва аралашмани ультратовуш билан қайта ишлаб тирноқгул ва капалакқўнмаснинг мойли экстрактлари олинган. Олинган суспензия 80°C ҳароратда 2.5-3 соат давомида экстракция қилинган. Экстракция яқунланганидан сўнг суюқ ва қаттиқ фазалар ажратилган, мойли экстракт сув-спиртли экстрактдан ажратилган ва вакуум-қуритгич шкафида қуритилган. Олинган мойли экстрактлардаги биологик фаол моддаларнинг

микдори ўрганилган.

Мойчечакнинг мойли экстракти ҳам шундай усулда бироқ тўпгулларга 70% этанол қўшилиши билан олинган. Аралашма бўктириши учун қолдирилиб, сўнг ультратовуш билан қайта ишланган. Ундан сўнг мой қўшилиб экстракция қилинган. 8 - жадвалда мойчечак (1), тирноқгул (2) ва капалакқўнмаснинг (3) ультратовуш билан ишлов берилган ва берилмаган мойли экстрактларидаги биологик фаол бирикмалар микдори келтирилган.

8 - жадвал

Оптимал шароитларда олинган экстрактлардаги биологик фаол моддалар таркибига ультратовушни таъсири

Кўрсаткичлар	УТИ сиз			УТИ ва сув-спиртли суспензия	УТИ ва сув-спирт-мойли суспензия	
	1	2	3	1	2	3
Хлорофиллар, мг%	15,7	8,6	28,0	25,1	11,0	32,2
Каротиноидлар, мг%	8,7	5,9	150	13,5	12,4	185,6
Токофероллар, мг%	75,2	190	70,0	110,0	225,0	94,3
Фитостероллар, %	Излар	0,1	0,8	0,9	0,13	1,0
Флавоноидлар, %	0,4	0,4	0,3	0,5	0,47	0,3
Иридоидлар	-	-	-	-	-	Излар

8 - жадвалдан кўриниб турибдики, экстракция жараёнида ультратовушли ишлов бериш мойли экстрактларда биологик фаол бирикмаларнинг микдори 1,2-1,5 баробар оширишда (№ IAP 04702 ЎзР патенти, 2013 й).

Мойчечак, тирноқгул ва капалакқўнмаснинг мойли экстрактларидан Биофитол фитомойини олиш усулини ишлаб чиқиши

Ўсимлик мойлари доривор ўсимликларни муайян нисбатдаги йиғмасидан ёки йиғмадаги ҳар бир ўсимликлардан алоҳида ҳолда экстракция қилиб олиниб, экстрактларни (фитомойлар) маълум нисбатда қўшиб аралаштириш орқали олинди. Турли усуллар билан олинган фитомойлар нафақат биологик фаол бирикмаларнинг сифат ва микдорий таркибига, балки уларнинг турли хил терапевтик таъсирларга ҳам эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқотлар давомида ўсимлик мойлари икки усулда олинди ва уларнинг кимёвий таркиби аниқланди (9 - жадвал). Биринчи усул бўйича муайян нисбатларда қурилган фармакопоя хом ашёсидан 1 ва 2 йиғмалар тайёрланди ва ишлаб чиқилган икки фазали экстракция усули ёрдамида экстракция қилиниб, 1 ва 2 фитомойлар олинди. Иккинчи усулда олинган тирноқгул (Т), мойчечак (М) ва капалакқўнмас (Кап) ўсимликларининг 3та мойли экстрактдан 1 ва 2 тўпламлардаги каби бир хил вазн нисбатларида 3 ва 4 фитомойлар аралашмаси тайёрланди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган ультратовушли экстракция усули билан олинган мойчечак, тирноқгул ва капалакқўнмас ўсимликларнинг мойли экстрактларидан организмда регенератив жараёнларни жадаллаштирувчи ва ошқозон-ичак тракти касалликларини самарали даволовчи янги доривор маҳсулот (4 - фитомой) “Биофитол” яратилди. (ЎзР патенти № IAP 05367, 2017).

9 - жадвал

Икки хил усулда олинган 1-4 фитомойлардаги БФҚ миқдори

БФБ таркиби	№1	№2	№3	№4
	Т. - 55,0% М - 27,5% Кап.- 17,5%	Т. - 50% М - 25% Кап.- 25%	Т. - 55,0% М - 27,5% Кап.- 17,5%	Т. - 50% М - 25% Кап.- 25%
Токофероллар, мг%	110,00	112,20	128,70	133,70
Хлорофиллар, мг%	15,80	17,40	21,00	25,00
Каротиноидлар, мг%	42,80	55,70	43,70	56,20
Фитостероллар, %	0,63	0,58	1,00	0,93
Флавоноидлар, %	0,40	0,42	0,41	0,42
Иридоидлар, %	-	-	0,013	0,02

Диссертациянинг “Жигарни химояловчи Гепалипин воситаси композициясини ишлаб чиқиш ва унинг олиш усулини яратиш” деб номланган учинчи бобида помидор (*Lycopersicon esculentum* (Tourn.) Mill.) пўстлоғидаги липидлар ва пигментларни тадқиқ қилиш, ликопин билан бойитилган помидор пўстлоғи экстракти билан Гепалипин дори воситасини олиш усулини яратиш ва унинг биологик фаоллиги натижалари ёритилган.

Помидор меваси пўстлоғидаги нейтрал липидларни аниқлаш

Пўстлоғининг НЛ таркибида каротиноидлар катта миқдорда (10,2% липидларнинг оғирлигига нисбатан) эканлиги, алифатик ва циклик спиртлар билан мураккаб эфирлари, ЭЭК, ТАГ, ЁКларнинг этил эфирлари, эркин фитостероллар ва тритерпеноллар каби липидлар ва липофил бирикмаларнинг синфлари аниқланган. ГЛлар таркибида стерилгликозидлар (асосий) ва уларнинг ЁК билан мураккаб эфирлари, моно- ва дигалактозилдиглицеридлар ҳамда церебозидлар аниқланган. ФЛ таркибида ФХ (асосий синф), ФЭ ва ФИ аниқланган (10-жадвал).

10 - жадвал

Помидор меваси пўстлоғининг совунланмайдиган моддалар каротиноидлари

Элюент	R _f , ПЮҚХ	Каротинлар, мг%	УФ, λ _{max} (гексан, нм)
Бензин	0,95	-	-
Бензин	0,80	640,4	426; 449; 475; β-каротин

Бензин : эфир, 95:5	0,53	3571,0	444.7; 479; 501; ликопин
Ацетон	0,08	854,6	429.5;450.8;480; ксантофиллар

Шундай қилиб, помидор мевалари пўстлоғининг нейтрал ва поляр липидлари биринчи марта ўрганилган ва пўстлоғида нафақат ликопин каротиноид пигменти (жами каротиноидларнинг 76%) билан бойитилганлиги, балки унинг таркибида биологик фаол липид компонентлари мавжудлиги кўрсатилган. Ликопинли помидор пўстлоғи экстракти Гепалипин жигарни ҳимояловчи восита композициясида қўлланилган.

Гепалипин дори воситасида компонентларнинг нисбатини танлаш

Гепалипин дори воситасининг таркибини ишлаб чиқишда асос сифатида 76-79% фосфатидилхолин сақловчи Lipoid S 80 (Lipoid GmbH, Германия) фармакопея соя лецитини танлаб олинди.

Соя лецитинига (70,5%, композиция вазидан) қуйидагилар қўшилди:

- 13,5% рафинацияланмаган кунгабоқар мойи;
- 10% қизилмия илдизининг (*Glycyrrhiza glabra*) глицирризин кислотаси, тозалиги 80% дан кам эмас (ФМ 42 Ўз-0979-2012 “Глицирризин кислота”);
- 5% капалакқўнмас (*Ajuga turkestanica*) ўсимлигидан ажратиб олинди экдистен дори воситаси субстанцияси (ФМ 42 Ўз-0135-2022 “Экдистен”);
- 1% помидор (*Lycopersicon esculentum*) пишган меваси пўстлоғининг экстракти.

Гепалипин субстанциясининг олиш усули ишлаб чиқилди (6 - расм):



6 - расм. Гепалипин дори воситаси субстанциясини лаборатория шароитида олишнинг блок-схемаси

Гепалипин субстанциясининг лаборатория шароитида олиш усули. 70,5г Lipoid S 80 фармакопея лецитини 40-50°C ҳароратда эригунча қиздирилган ва аралаштириб турган ҳолда ҳаракатланувчи аралашма ҳолига келгунича оздан 13,5г рафинацияланмаган кунгабоқар мойи (40-50°C ҳароратгача қиздирилган) кўшиб борилган. 40-50°C ҳароратдаги ушбу аралашмага шу ҳароратгача қиздирилган 1,0г помидор пўстлоғи экстракти суртма ҳолига келгунича кўшилди. 5г экдистен ва 10-11г глицирризин кислотаси чинни ховончада майдаланиб, 40-50°C ҳароратгача қиздирилган лецитин, помидор пўстлоғи экстракти, мой аралашмаси гомоген аралашма ҳолигача аралаштирилди. Натижада 100г якуний маҳсулот Гепалипин субстанцияси олинган.

ЎзР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти Фармакология ва токсикология бўлими тиб.ф.д., проф. В.Н. Сыров, б.ф.д., проф. З.А. Хушбақтова ва б.ф.н. Н.В. Турсуновалар томонидан олиб борган фармакологик тадқиқотларда Гепалипин дори воситаси импорт қилинаётган Фосфоглив дори воситасига нисбатан самарали эканлиги аниқланган.

Гепалипин дори воситаси субстанциясини стандартлаштириш ишлари амалга оширилган. Гепалипин дори воситаси субстанцияси органолептик ва физик-кимёвий кўрсаткичлар бўйича вақтинчалик фармакопея мақоласидаги (ВФМ 42 Ўз-4691-2021) талабларга мос келиши лозим. Лецитин ЮҚХ усулида, глицирризин кислотаси сувли фильтратга сульфат кислота кўшилганда ҳосил бўладиган чўкма бўйича, каротиноидлар ва экдистен спектрофотометрия усули ёрдамида аниқланган.

Диссертациянинг “**Тажриба қисми**” деб номланган **тўртинчи боби**да тадқиқотларда фойдаланилган асбоб ва ускуналар, колонкали хроматография ва препаратив юпқа қатламли хроматографияда ишлатилган эритувчилар ва уларнинг аралашмалари, материал ва реактивлар, уларни ажратиб олиш ва таҳлил шароитлари ёритилган.

Адабиётлар рўйхатида диссертацияни расмийлаштиришда фойдаланилган 193 номдаги илмий манбалар иловалари келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Биринчи марта *Matricaria matricarioides* ўсимлиги уруғларининг липидлари тадқиқ қилиниб, таркибида *Asteraceae* оиласига хос бўлган кам учрайдиган изомерли эпоксиолеин ва гидроксилинол кислоталаридан иборат эпокси- ва гидроксиацилдиацилглицеридлар мавжудлиги аниқланган.

2. Биринчи марта *Ajuga turkestanica* (Капалакқўнмас) ўсимлигининг вегетатив ва генератив органларининг липидлари тадқиқ қилинган; нейтрал, глико-, фосфолипидларнинг таркиби ва ёғ кислоталарнинг компонентлар таркиби, ўсимликнинг барча қисмларидаги фосфолипидларда ўсимлик учун хос бўлган иридоидлар ва экдистерон аниқланган.

3. Биологик фаол моддаларга бой бўлган мойли экстрактлар олишни таъминлайдиган доривор ўсимликларнинг вегетатив органларидан липидларни икки фазали ультратовушли сув-мойли экстракциялаш усули ишлаб чиқилган

(ЎзР патенти № IAP 04702, 2013).

4. *Matricaria recutita*, *Calendula officinalis* ва *Ajuga turkestanica* ўсимликлари мойли экстрактларидан организмда регенератив жараёнларини жадаллаштирувчи ва ошқозон-ичак йўллари касалликларида самарали таъсир этувчи Биофитол фитомойи яратилган (ЎзР патенти № IAP 05367, 2017).

5. Пишган помидор *Lycopersicon esculentum* мевалари қобиғининг липидлари ва каротиноидлари тадқиқ қилиниб, биринчи марта помидор пўстлоғи ликопинга бой эканлиги ва липид компонентларининг мураккаб комплексини ўз ичига олиши кўрсатилган.

6. Соя лецитини, рафинацияланмаган кунгабоқар мойи, *Lycopersicon esculentum* каротиноидлари экстракти, экдистен ва глицирризин кислотасидан иборат “Фосфоглив” (Россия Федерацияси) препаратидан кўра жигарни ҳимояловчи фаоллиги юқори бўлган “Гепалипин” дори воситаси яратилган.

7. Гепалипин дори воситаси субстанциясини олишни лаборатория усули ишлаб чиқилган, лаборатория регламенти ва ВФМ ишлаб чиқилиб тасдиқланган (ВФМ 42 Ўз-4691-2021), “Гепалипин” дори воситаси субстанцияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли гувоҳнома олинган ва тиббиётда қўллаш учун тавсия қилинган (№ DV/M 03937/10/21, 11.10.2021).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.01.2020.К/Т.104.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ АН РУз**

ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ

ХИДОЯТОВА ШАХНОЗА КОМИЛ КИЗИ

**ЛИПИДЫ РАСТЕНИЙ РОДОВ *MATRICARIA*, *CALENDULA*, *AJUGA*,
LYCOPERSICON И РАЗРАБОТКА ПРЕПАРАТОВ НА ИХ ОСНОВЕ**

02.00.10 – Биоорганическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2023.1.PhD/K600.

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.uzicps.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Гусакова Светлана Дмитриевна
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Бабаев Бахром Нуриллаевич
доктор химических наук

Нормахаматов Нодирали Сохобаталиевич
доктор химических наук

Ведущая организация:

Институт биоорганической химии

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2024 г. В _____ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.01.2020.K/T.104.01 при Институте химии растительных веществ (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: 71 262-59-13, e-mail: plant.inst@icps.org.uz, ixrv@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии растительных веществ (регистрационный номер №_____). (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77. Тел.: 71 262-59-13, e-mail: nhidirova@yandex.ru).

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2024 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «_____» _____ 2024 года)

Ш.Ш. Сагдуллаев

Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., академик

Н.К. Хидирова

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.х.н., с.н.с.

Э.Х. Ботиров

Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в традиционной и народной медицине многих стран для лечения невралгий, миозитов, ревматоидных артритов, язвенной болезни желудка, трофических язв голени и других заболеваний используются разные медицинские масла (облепиховое, миндальное, касторовое, персиковое, масло шиповника и др.). Спрос на новые медицинские масла с высокой фармакологической активностью постоянно растет, поэтому актуальным является разработка новых фитомасел из местных растений и создание на их основе эффективных средств для медицины.

В мировой практике ассортимент медицинских масел существенно расширился за счет фитомасел, представляющих собой масляные экстракты лекарственных растений, которые получают путем экстракции сырья пищевыми растительными маслами. Такие фитомасла обладают более широким спектром действия и более высокой биологической активностью (противовоспалительной, гепатопротекторной, антиоксидантной и др.)

Вторичные метаболиты лекарственных растений *Matricaria recutita* L., *Calendula officinalis* L. (сем. *Asteraceae*) и *Ajuga turkestanica* (Regel) Briq. (сем. *Lamiaceae*) достаточно хорошо исследованы, однако состав и биологическая активность липидов этих растений остаются неизученными, лекарственные препараты на основе липидов *M. recutita* и *C. officinalis* единичны, а на основе липидов *A. turkestanica* отсутствуют. В литературных источниках не найдено данных о содержании и распределении каротиноидов (включая ликопин) по отдельным частям зрелых плодов *Lycopersicon esculentum* (Tourn.) Mill. (сем. *Solanaceae*), что не позволяет провести оценку качества сырья для создания ликопинсодержащих препаратов, в том числе и на основе растительных фосфолипидов. Для создания в Республике препаратов на основе масляных экстрактов следует разработать новые способы экстракции, повышающие выход биологически активных компонентов и сохраняющие их нативность.

Данная диссертационная работа, посвященная исследованию липидов растений родов *Matricaria* L., *Calendula* L., *Ajuga* L. и *Lycopersicon* Mill. узбекистанской флоры с целью создания новых лекарственных средств, в определенной степени служит решению задач, изложенных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4670 «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов»¹, в Указе Президента РУз № УП-55 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли Республики в 2022-2026 годах»², а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в

¹ Постановление Президента Республики Узбекистан за № ПП-4670 от 10 апреля 2020 года.

² Указ Президента Республики Узбекистан за № УП-55 от 21 января 2022 года.

соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология» и VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Исследованием липидов лекарственных и пищевых растений занимались известные ведущие зарубежные ученые J.N. Hathcock, A. Shao, O. Aust, W. Stahl, S. Kishimoto, K. Akita, L. Petrovic, V. Gupta, P. Mittal др.; из стран СНГ – В.А. Тутельян, В.А. Дадали, Е.В. Мартовщук, Г.Г. Первышина, А.А. Ефремов.

Созданием новых технологий извлечения липидов из растительного сырья занимаются ученые СНГ: В.А. Вайнштейн, Л.Н. Царахова, С.В. Клочков, В.В. Верещагин, И.В. Гранкин; разработкой лекарственных препаратов на основе масляных экстрактов и фосфолипидов - А.И. Арчаков, О.М. Ипатова, Н.Н. Бобров-Егоров, А.Н. Дорошенко, Г.П. Павелковская.

В Узбекистане большой вклад в развитие химии и технологии растительных липидов внесли А.И. Глушенкова, А.У. Умаров, С.Д. Гусакова, Н.Т. Ульченко, Ш.Ш. Сагдуллаев и др.

Выбор растений для данной работы обоснован тем, что хотя вторичные метаболиты *Matricaria recutita* L., *Calendula officinalis* L., *Ajuga turkestanica* (Rgl.) Brig. и *Lycopersicon esculentum* (Tourn.) Mill. (флавоноиды, кумарины, экидстероиды, тритерпеноиды и др.) достаточно хорошо изучены и на основе водных, водно-спиртовых и спиртовых извлечений из этих растений созданы известные лекарственные препараты и БАД, в то же время исследования липидов этих растений ограничены отдельными группами веществ, а препараты на основе липидов единичны.

